

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ИБРОҲИМОВА ДИЛОБАР ХАБИБУЛЛАЕВНА

ЭРКАКЛАРДА СЕМИЗЛИКНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.07 – Гигиена

тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PHD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижа
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Иброҳимова Дилобар Хабибуллаевна Эркакларда семизлик профилактикасини такомиллаштириш.....	3
Иброҳимова Дилобар Хабибуллаевна Совершенствование профилактики ожирения у мужчин.....	27
Ibrohimova Dilobar Habibullaevna Improving prevention of obesity in men.....	49
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	54

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ИБРОҲИМОВА ДИЛОБАР ХАБИБУЛЛАЕВНА

ЭРКАКЛАРДА СЕМИЗЛИКНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.07 – Гигиена

тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Tib2087 рақам билан рўйхатга олинган.

Доркторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шайхова гули Исламовна

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Камилова Роза Толановна

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Зарединов Дамир Арифович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

С.Д.Асфендияров номидаги Қозоқ миллий

тиббиёт университети

(Қозоғистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2. Тошкент тиббиёт академияси, 10-ўқув биноси, 1-қават мажлислар зали. Тел./факс: (99871) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2. Тошкент тиббиёт академияси, 2-ўқув биноси, 1-қават, 7-хона Тел./факс: (99871) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ кунни тарқатилди.

(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.И.Саломова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ф.И.Саломова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда 250 миллиондан ортиқ семизликдан азият чекувчи беморлар қайд этилган, ЖССТ экспертларининг ҳисоблашига кўра «...2025 йилга бориб, уларнинг сони 300 мндан ортади...»¹. Ҳар йили ортиқча тана вазни билан боғлиқ бўлган касалликлар минтақаларда бир миллиондан ортиқ ўлим ҳолатларининг сабаби бўлмоқда. Эркаклардаги семизликнинг клиник аҳамияти аёллардаги семизликка нисбатан сезиларли даражада юқоридир: уни анъанавий даволаш усуллари билан ҳал этиш жуда қийин, аёлларга нисбатан солиштирилганда эркакларнинг ўртача ҳаёт давомийлигини камайтиришга олиб келган ҳолда, юрак қон томир касалликларини жадал ривожланишини тезлашигига сабаб бўлади. Ҳозирги кунда семизликка қарши курашишнинг янги усуллари ишлаб чиқиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда эркакларда семизлик профилактикасини такомиллаштириш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада эркакларда семизлик тарқалганлиги, семизликнинг хавф омили ва касалланиш, антропометрик кўрсаткичлар, йилнинг қиш-баҳор ва ёз-куз мавсумларида уй шароитида амалдаги овқатланиш, ўзбек миллий ошхонаси асосида семиз эркаклар учун илмий асосланган гипокалорияли, юқори оқсилли даволовчи ва оптималлаштирилган янги профилактик овқатланишни ишлаб чиқиш, шунингдек тажриба ҳайвонларининг тана оғирлик статусига янги маҳсулотни таъсирини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимни ривожлантириш, тиббиёт соҳасини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли соматик касалликларни самарали ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, эркакларда семизлик профилактикасини такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда

¹ Цыпленкова Н.С. Ожирение у мужчин трудоспособного возраста: гормонально-метаболические и гемодинамические факторы риска нарушений ритма сердца. Дисс.автореф. канд наук, Казань 2020, - 23 С.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолини соғлом овқатланишни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 19 апрелдаги ПҚ-4295-сон «2019-2021 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш бўйича Миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Семизлик йигирма биринчи аср жамоат соғлиғини сақлашнинг ўта муҳим муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади, шу билан боғлиқ ҳолда бу муаммога катта эътибор қаратилмоқда. Касалланиш ва ўлимнинг ўсиш тенденцияси касалланишни ўсиши ва шаклланиш асосига тааллуқли бўлган тадқиқотларга олимларнинг кенг қўламдаги қизиқишлари билан тушунтирилади (А.С.Белевский ва бошқ., 2022; Н.И.Розинова ва бошқ., 2021). XXI асрнинг овқатланиш формуласи – бу рационда анъанавий табиий озиқ-овқат маҳсулотлари билан бир қаторда маълум хусусиятлар юклатилган маҳсулотларни (функционал озиқ-овқат маҳсулотлари) ва биологик фаол қўшимчаларни (БФҚ) овқатлар таркибида доимий равишда фойдаланишдир (В.А.Тутельян, 2010; Ф.Б.Литывин ва бошқ., 2018; Н.С.Цыпленкова, 2020; Г.И.Шайхова, 2023). Семизликнинг турли босқичларида парҳезли даволаш стратегик аҳамиятга эга. Бундай ёндошувнинг аҳамияти шу билан белгиланадики, нутриетив статус беморларнинг касалланиши ва вафот этиши, айниқса терминал босқичда муҳим детерминантни ташкил этади.

Ўзбекистонда овқатланиш учун гипокалорияли юқори оқсилли парҳез, шунингдек соғлом турмуш тарзининг устиворликлари, янги маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва ўрганиш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар (Шайхова Г.И., 2023; Саломова Ф.И., 2023; Эрматов Н.Ж., 2019, 2024) олиб борилмоқда, соя уни билан бойитилган, буйракнинг сурункали етишмовчилигини олдини олиш ва даволаш учун янги нон-булочка маҳсулотларини ишлаб чиқилган (Отажонов И.О., 2021), сурункали буйрак етишмовчилиги билан оғриган шахслар учун парҳез билан даволашнинг янги усули ишлаб чиқилган (Г.И.Шайхова, К.А. Зуфаров ва бошқ., 2017) ва ўсмирларда семизликни олдини олиш учун овқатга янги БФҚ қўшиш (Б.Б.Рахимов, 2016), ўпкаларнинг сурункали касаллиги билан хасталанган болалар учун парҳез овқатланиш, янги «Маржон» озуқавий қўшимчасидан фойдаланиш (Л.А.Азимов, 2023) устида ишлар олиб борилган. COVID-19ни даволаш ва олдини олиш учун янги маҳсулот ва миллий таомларни киритиш билан янги профилактик даволовчи парҳез ишлаб чиқилди (Ортиков Б.Б, 2023). «ALFA SOY 001» соя оқсили изоляти, жамоат овқатланиши учун соя оқсили изоляти билан бойитилган

макарон маҳсулотлари ишлаб чиқилган (Тураев Ф.Ш., 2023). Парҳезли даволаш билан биргаликда меъда ичак тизим касалликлари ва саратон касалликларини олдини олиш ва даволаш масалалари бўйича бир қатор тадқиқотлар ўтказилган (Рустамов Б.С., 2014; Рустамова М.Т., 2020). Бироқ, семиз эркакларни даволаш ва олдини олиш учун мақсадли тадқиқотлар ўтказилмаган, семиз эркаклар учун озиқ овқат кепаги ва ўзбек миллий таомлардан фойдаланишга асосланган гипокалорияли юқори оқсилли парҳез ишлаб чиқилмаган.

Юқорида келтирилганлар эркаклардаги семизликда даволовчи овқатланишни келгусида такомиллаштириш ва гигиеник асослашга қаратилган тадқиқотларни ўтказиш заруриятини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муссасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №03–4974 «Аҳоли саломатлигини яхшилаш, Ўзбекистон Республикаси аҳолисига тиббий профилактик ёрдамни такомиллаштириш ва аҳоли саломатлиги учун хавфли омилларни бартараф этиш» (2018–2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади эркаклардаги семизликни олдини олишни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

семизликдан азият чекувчи эркакларда антропометрик кўрсаткичларни, касалланиш ва хавф омилларини баҳолаш;

қиш-баҳор ва ёз-куз мавсумларида уй шароитида амалдаги овқатланишни баҳолаш;

янги озиқ-овқат маҳсулоти–озиқ кепагининг биологик ва озуқавий қиймати, тажриба ҳайвонларининг тана оғирлик статусига ушбу маҳсулот таъсирини баҳолаш;

техник шароит ва технологик йўриқномани, янги озуқавий маҳсулотга сертификатни ишлаб чиқиш;

ўзбек миллий ошхонаси асосида семизликдан азият чекувчи эркаклар учун гипокалорияли юқори оқсилли илмий асосланган парҳезни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2022-2023 йиллар давомида Тошкент шаҳридаги ООО «ZANGIOTA ZAM-ZAM» санаториясига қарашли Level Med клиникасига турли касалликлар билан мурожаат қилган ҳамда даво муолажаларини олган 550 нафар 30 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар, «Озуқавий кепак-Люкс» озуқа қўшимчаси, тажриба ҳайвонлари (зотсиз оқ каламушлар), гипокалорияли парҳез рецептлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида республикадаги бирламчи бўғин даволаш-профилактика муассасаларининг ҳисобот маълумотлари, семизлик тарқалганлиги, эркакларда семизлик ва унинг эпидемиологияси, тарқалганлиги, ёндош патологиялар ва хавф омиллари, фракцияланган ва термик қайта ишланган бўғдой кепагининг озуқавий ва биологик қиймати, тажриба ҳайвонларининг оғирлик статусига фракциялаштирилган ва термик қайта

ишланган бўғдой кепакгининг самарадорлигини баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда гигиеник, эпидемиологик, анкета сўровнома, органолептик, физик-кимёвий, биологик, тажриба ҳамда статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

30 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркакларда ортиқча тана оғирлигининг частотаси (семизликнинг I-III даражаси), касалланиш ва саломатлик тўғрисидаги маълумотлар, хавф омиллари, I-III даражадаги семизлик билан касалланиш ўртасидаги боғлиқлик аниқланган;

илк бор семиз эркаклар учун фракцияланган ва термик қайта ишланган бўғдой кепаги учун техник шартлар ва технологик йўриқнома ишлаб чиқилган;

илк бор янги маҳсулот – озуқавий кепакнинг биологик ва озуқавий қиймати исботланиб, тажриба ҳайвонларининг тана оғирлик статусига янги маҳсулотнинг таъсири аниқланган;

I-III даражали семизлиги бўлган эркаклар учун илмий асосланган гипокалорияли юқори оксилли парҳезнинг, шунингдек соғлом турмуш тарзининг устиворликлари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

30 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркакларда ортиқча тана вазнининг тарқалиши натижасидаги семизликнинг I-III даражаси, хавф омиллари, I-III даражадаги семизлик билан касалланиш ўртасидаги боғлиқлик баҳоланган;

30 ёшдан 60 ёшгача бўлган семизликнинг I-III даражаси тасдиқланган эркакларнинг амалдаги овқатланишининг сон ва сифат кўрсаткич баҳоланган;

семиз эркаклар учун фракцияланган ва термик қайта ишланган бўғдой кепаги учун сертификат, техник шартлар ва технологик йўриқнома ишлаб чиқилган;

янги маҳсулот-озуқавий кепакнинг биологик ва озуқавий қиймати исботланган, тажриба ҳайвонларининг тана оғирлик статусига янги маҳсулот таъсири баҳоланган;

аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини асослашга қаратилган гипокалорияли юқори оксилли парҳез ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган гигиеник, эпидемиологик, анкета сўровнома, органолептик, физик-кимёвий, биологик, тажриба ҳамда статистик тадқиқот усуллари асосида эркакларда семизлик профилактикасини такомиллаштиришнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти янги озиқ-овқат маҳсулоти озуқавий

кепакнинг озуқавий ва биологик қийматини асосланиши, ушбу маҳсулотни тажриба ҳайвонларини тана оғирлигига таъсири, I-III даражали семизликдан азият чекувчи эркаклар учун гипокалорияли юқори оқсилли парҳезни илмий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти озуқавий кепакнинг озуқавий ва биологик қиймати, озуқавий кепакнинг тиббий-биологик хавфсизлиги, шунингдек фракциялаштирилган ва термик қайта ишланган, янги бўғдой кепасига техник шартлар ва технологик йўриқномаларни ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.

Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2024 йил 4 майдаги 05/110-сон хулосасига кўра (илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассаларига жорий этиш бўйича Тошкент тиббиёт академиясининг 2024 йил 4 мартдаги 09-14571-сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган):

биринчи илмий янгилик: 30 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркакларда ортиқча тана вазнининг даражаси (семизликнинг I-III даражаси), касалланиш ва саломатлик тўғрисидаги маълумотлар, хавф омиллари, I-III даражадаги семизлик билан касалланиш ўртасидаги боғлиқликлиги асосида семиз эркакларнинг амалдаги овқатланишининг сон ва сифат кўрсаткичлари асослангани Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги кўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси бўйича 20.03.2024 йилдаги 47-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги кўмитаси Андижон вилояти санитария-эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги бошқармасининг Андижон туман бўлими бўйича 20.03.2024 йилдаги 04-39-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* 30 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркакларда ортиқча тана вазнининг даражаси (семизликнинг I-III даражаси), касалланиш ва саломатлик тўғрисидаги маълумотлар, хавф омиллари, I-III даражадаги семизлик билан касалланиш ўртасидаги боғлиқликлиги асосида семиз эркакларнинг амалдаги овқатланишининг сон ва сифат кўрсаткичларининг ўзгариши касалликнинг ривожланишга асос бўлиши билан изоҳланган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* 30 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркакларда ортиқча тана вазнининг даражаси (семизликнинг I-III даражаси), касалланиш ва саломатлик тўғрисидаги маълумотлар, хавф омиллари, I-III даражадаги семизлик билан касалланиш ўртасидаги боғлиқликлиги асосида семиз эркакларнинг амалдаги овқатланишининг сон ва сифат кўрсаткичлари ўзгариши баҳолаш мақсадида бир нафар бемор учун 109000 сўмни иқтисод қилишга эришилган (шифохоналарнинг преискурантига кўра турли ортиқча тана вазини ўзгаришини баҳолаш мақсадида 1 кун даволаниш 109000 сўмни, семизликни олдини олиш мақсадида 110000 минг сўмни, хўжалик ҳисобида даволаш учун бир пациент учун бир кунга 130000 сўмни иқтисод қилинади). *Хулоса:* 30 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркакларда ортиқча тана вазнининг даражаси

(семизликнинг I-III даражаси), касалланиш ва саломатлик тўғрисидаги маълумотлар, хавф омиллари, I-III даражадаги семизлик билан касалланиш ўртасидаги боғлиқликлари асосида семиз эркакларнинг амалдаги овқатланишининг сон ва сифат кўрсаткичлари боғлиқлигини олдини олиш натижасида 109000-130000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган;

иккинчи илмий янгилик: илк бор семиз эркаклар учун фракцияланган ва термик қайта ишланган буғдой кепаси учун ишлаб чиқилган техник шартлар ва технологик йўриқнома Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси бўйича 20.03.2024 йилдаги 47-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги қўмитаси Андижон вилояти санитария-эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги бошқармасининг Андижон туман бўлими бўйича 20.03.2024 йилдаги 04-39-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* илк бор семиз эркаклар учун фракцияланган ва термик қайта ишланган буғдой кепаси учун техник шартлар ва технологик йўриқнома ишлаб чиқиш орқали пациентларнинг саломатлик ҳолатини яхшилаш, касалликларнинг олдини олиш ва умр кўриш давомийлиги ўзгаришларнинг олдини олишдаги муҳим захира деб ҳисобласа бўлади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* илк бор семиз эркаклар учун фракцияланган ва термик қайта ишланган буғдой кепаси учун техник шартлар ва технологик йўриқнома ишлаб чиқиш бир маҳсулотга 314400 сўмни иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* илк бор семиз эркаклар учун фракцияланган ва термик қайта ишланган буғдой кепаси учун техник шартлар ва технологик йўриқнома ишлаб чиқиш учун 314400 сўмни иқтисод қилиш имконини берган;

учинчи илмий янгилик: илк бор янги маҳсулот – озуқавий кепакнинг биологик ва озуқавий қиймати исботланиб, тажриба ҳайвонларининг тана оғирлик статусига янги маҳсулотнинг таъсири аниқлангани Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси бўйича 20.03.2024 йилдаги 47-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги қўмитаси Андижон вилояти санитария-эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги бошқармасининг Андижон туман бўлими бўйича 20.03.2024 йилдаги 04-39-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* илк бор янги маҳсулот-озуқавий кепакнинг биологик ва озуқавий қиймати гигиеник баҳоланган ҳамда тажриба ҳайвонларининг тана оғирлик статусига янги маҳсулот таъсирининг ижобий хусусиятлари овқатланиш билан боғлиқ бўлган алиментар касалликларнинг олдини олиш, турли даражадаги семириш натижасида юзага келадиган асоратлар натижасида шаклланадиган касалликлар сонининг кескин ортиши ва унинг умр кўриш давомийлигига таъсирини олдини олишнинг гигиеник жиҳатларига батафсил ечим топишга асос бўлган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* илк бор янги маҳсулот – озуқавий кепакнинг

биологик ва озуқавий қиймати гигиеник баҳоланган ҳамда тажриба ҳайвонларининг тана оғирлик статусига янги маҳсулот таъсирининг ижобий хусусиятлари баҳолаш, маҳсулотнинг самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳолаш мақсадида токсикологик тадиқоқотларни амалга ошириш учун ўткир токциклигини баҳолашга 7000000 сўмни иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* илк бор янги маҳсулот – озуқавий кепакнинг биологик ва озуқавий қиймати гигиеник баҳоланган ҳамда тажриба ҳайвонларининг тана оғирлик статусига янги маҳсулот таъсирининг ижобий хусусиятларнинг ўрни исботлаш учун бюджет маблағларидан 7000000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

тўртинчи илмий янгилик: I-III даражали семизлиги бўлган эркаклар учун илмий асосланган гипокалорияли юқори оқсилли парҳезнинг, шунингдек соғлом турмуш тарзининг устиворликлари асослангани Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси бўйича 20.03.2024 йилдаги 47-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги қўмитаси Андижон вилояти санитария-эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги бошқармасининг Андижон туман бўлими бўйича 20.03.2024 йилдаги 04-39-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* I-III даражали семизлиги бўлган эркаклар учун илмий асосланган гипокалорияли юқори оқсилли парҳез, шунингдек соғлом турмуш тарзининг устиворликлари ишлаб чиқиш орқали беморларнинг эндоген семиришини олдини олиш ва унинг асоратларни камайтиришга эришишнинг асосланган қирралари очиб берилганлиги билан изоҳланиши ва касалланиш даражасини камайтириш, ногиронликни олдини олишга шароит яратилганлиги билан изоҳланган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* I-III даражали семизлиги бўлган эркаклар учун илмий асосланган гипокалорияли юқори оқсилли парҳез, шунингдек соғлом турмуш тарзининг устиворликлари ишлаб чиқиш ва алиментар касалликларнинг олдини олиш мақсадида маҳсулотнинг самарадорлигини баҳолашга 3000000 сўмни, иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* I-III даражали семизлиги бўлган эркаклар учун илмий асосланган гипокалорияли юқори оқсилли парҳезни самарадорлигини баҳолаш учун 3000000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Семизлик муаммосига замонавий қарашлар ва уни ҳал этиш стратегияси**» деб номланган биринчи бобида мазкур муаммонинг замонавий ҳолати, инсонларда семизликни юзага келиш сабаблари, семизлик ва ортиқча тана оғирлигини тарқалиши, семизлик билан боғлиқ бўлган саломатлик учун хавфлар ва йўлдош касалликлар, семизлик патогенезида атроф муҳит ва турмуш тарзининг роли, эркакларда семизликни даволаш ва олдини олишга принципиал ёндашувлар, шунингдек, ушбу муаммони илмий ҳал этишга муаллифлик ёндашувининг тавсифи берилган.

Диссертациянинг «**Эркаклар орасида семизлик профилактикасини такомиллаштириш бўйича методик ёндашувлар**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот предмети, объекти ҳамда қўлланилган тадқиқот усулларига таъриф берилган.

Тадқиқотлар Тошкент тиббиёт академиясининг (ТТА) Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси, Тошкент шаҳар санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бўлими лабораторияси, ЎзР ФА С.Ю. Юнусов номли ўсимлик моддалари кимёси институтининг лабораторияси, Тошкент шаҳридаги ООО «ZANGIOTA ZAM-ZAM» санаториясига қарашли Level Med клиникаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги тиббиёт бош бошқармасининг санитария-эпидемиология назорати бошқармаси лабораторияларида ўтказилган.

Тадқиқот объекти: Тошкент шаҳридаги ООО «ZANGIOTA ZAM-ZAM» санаториясига қарашли Level Med клиникасига турли касалликлар билан мурожаат қилган, ҳамда даво муолажаларини олган 500 та 30 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар; «Озуқавий кепак-Люкс» озуқа кўшимчаси. Тажриба ҳайвонлари (зотсиз оқ каламушлар), гипокалорияли парҳез рецептлари.

Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш учун қуйидаги: тиббий-ижтимоий, гигиеник, физик-кимёвий, экспериментал ва ҳисоб-китоб усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқот предмети: республикамиздаги бирламчи бўғин даволаш-профилактика муассасаларининг ҳисобот маълумотлари асосида семизлик тарқалганлигининг 2 йиллик (2022-2023й.й.) ҳолати ўрганилди. Эркаклардаги семизликнинг тарқалганлик даражасини баҳолаш бўйича шахсий экспедицион изланишлар Тошкент шаҳридаги ООО «ZANGIOTA ZAM-ZAM» санаториясига қарашли Level Med клиникасига турли касалликлар билан

муружаат қилган, ҳамда даво муолажаларини олган 500 нафар 30 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркакларда шифокор эндокринолог иштирокида чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказишдан иборат бўлди, фракцияланган ва термик қайта ишланган бўғдой кепагининг озуқавий кўшимчаси; тажриба ҳайвонларининг оғирлик статусига фракциялаштирилган ва термик қайта ишланган бўғдой кепаклари самарадорлиги; гипокалориялик парҳез.

Ортиқча тана оғирлиги 40 ёшдан 60 ёшгача бўлган 250 нафар эркакларда аниқланди. Текширишлар жараёнида эркакларнинг тана оғирлиги $95,1 \pm 1,23$ ни ташкил этди. Текширилган 250 нафар эркаклардан 190 нафари Тошкент шаҳрида, 60 нафари эса – Тошкент вилоятида истиқомат қилади.

Тадқиқотга жалб қилинган барча эркакларнинг таҳлика омиллари ҳамда овқатланиш ҳулқи Тошкент тиббиёт академиясининг Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси мутахассислари томонидан яратилган анкета-сўровнома асосида ўрганилди. Бунда ижтимоий шарт-шароитлари, овқатланиш хусусиятлари, жисмоний фаоллик, дам олишни ташкиллаштириш, зарарли одатлар, оиланинг моддий аҳволи ҳақидаги маълумотлар, мутахассислиги ва касби эътиборга олинди.

Эркакларда семизликни келтириб чиқарувчи хавфни аниқлаш учун далилий тиббиёт ва клиник эпидемиологиянинг замонавий усулларида бири бўлган «ҳодиса-назорат» усули қўлланилиб, «нисбий хавф» кўрсаткичи ҳисобланди. Ҳар бир ўрганилган омил учун мутлақ ва нисбий хавфни ҳамда эътиборга молик таҳлика омилларини бартараф этишда касалланиш хавфининг камайиш кўрсаткичлари ҳисобланди.

Эркакларнинг ҳақиқий овқатланиши анкета-сўровнома орқали баҳоланди. Маълумотларни тўплаш экспедиция шароитида йилига 2 марта - киш-баҳор, ёз-куз мавсумида эркакларнинг шахсий анкетасида уларнинг 7 кун давомида истеъмол қилган маҳсулотларини қайд этиш тарзида ўтказилди. Эркакларнинг кунлик рационидаги озуқа моддалари миқдори «Озиқ-овқат маҳсулотлари кимёвий таркибининг жадвали»дан фойдаланган ҳолда ҳисоблаб топилди. Олинган натижалар Ўзбекистон республикаси аҳолиси учун озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишни ўртча кунлик рационал нормалари (СанҚваМ - 0105-01; СанҚваМ - 0250-08) билан таққосланган. Эркакларнинг кун тартибига баҳо бериш мақсадида уларнинг фаолияти хронометраждан ўтказилган.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида биринчи марта фракцияланган ва термик қайта ишланган бўғдой кепагининг озуқавий кўшимчаси ишлаб чиқилди. Мазкур маҳсулотга Техник шартлар ва Технологик йўриқномалар (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган) «Ts 00909053-01:2019» («Люкс») ишлаб чиқилди.

Ушбу маҳсулотга техник йўриқномалар ишлаб чиқилган ва ЎЗР Слғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ts 00909053-01:2019 тасдиқланган. Бўғдой кепагининг озуқавий кўшимчасининг озуқавий ва биологик қийматини аниқлашда: физик-кимёвий, органолептик ва микробиологик тадқиқот усулларида фойдаланилди. Физик-кимёвий кўрсаткичларини ўрганиш ва

органолептик баҳолаш ДавСТлари: 9404; 27668; 27494; 20239 бўйича амалга оширилди. Намлик, кислоталик, ёпишқоқлик (15113, 4-91, 15113, 5-91, 202239-91). Тажриба намуналарининг кимёвий тавсифида қуйидаги кўрсаткичлар: намлик (ДавСТ 221094-91); Къелдал усули бўйича хом протеин (6,25) (ДавСТ 0846-91); Сокслет аппаратида Рушковский усули бўйича умумий липидлар (ДавСТ 0846-91); муфел печида ёқилгандан кейинги қўлланиш (А.П.Ермаков, 1972). ДавСТ 9958-91 бўйича микробиологик кўрсаткичлар аниқланди.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида тажриба ҳайвонларининг оғирлик статусига фракциялаштирилган ва термик қайта ишланган бўғдой кепаклари самарадорлигининг таъсири ўрганилди.

Жинсий етилган зотсиз оқ каламушлар (оғирлиги – 140-150 грамм).

1 гуруҳ - назорат- ҳайвонлар тўлақонли умумвиварий рациониди бўлди;

2 гуруҳ - тажриба рационига бўғдой кепаги киритилган ҳайвонлар бўлди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Тадқиқот модели:

Ҳайвонлар тури	Гуруҳлар сони	Ҳайвонлар сони	Тажриба давомийлиги	Ҳайвонлар гуруҳи
зотсиз оқ каламушлар	2	6	1 ой	назорат тажриба

Ҳайвонларда эвтаназия тажриба ҳайвонларини химоя қилиш бўйича Европа конвенцияси талаблари билан бирга мос ҳолда эфир билан чуқур наркоз киритиш орқали амалга оширилди 86/609 ЕЕС.

Каламушларнинг тана оғирлигини ўсишига қайта ишланган фракцияланган ва термик қайта ишланган бўғдой кепагининг таъсири ўрганилди. Каламушларнинг тана оғирлик динамикасини баҳолаш ўрганилаётган бўғдой кепагининг маълум бўлган таъсирини интеграл тавсифлаш учун фойдаланиладиган, объектив кўрсаткичлардан ташкил топади. Каламушлар натив сувли бўтқа кўринишидаги бўғдой кепагини юборишнинг барча муддати давомида ҳар куни тарозида тортилди. Тарозида тортиш овқат беришдан олдин тонгги вақтда бажарилди. Иккинчи босқичда каламушлардаги гематологик ва биокимёвий кўрсаткичлар ўрганилди. Фракциялаштирилган ва термик қайта ишланган бўғдой кепагини қўллашда, шунингдек эквивалент дозада эритувчи-дистилланган сув қабул қилганда, периферик қоннинг таркиб ва хусусият кўрсаткичлари ўрганилди.

Тадқиқотда олинган маълумотлар Pentium – IV шахсий компьютерида Microsoft Office Excel – 2003 дастурлар пакети ёрдамида статистик қайта ишлашнинг қурилма функцияларидан фойдаланишни киритиш билан статистик усулда қайта ишланди. Ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметик ҳисоблаш (M), ўртача квадрат оғиш (G), ўртача стандарт хатолик (m), нисбий катталикларни (частота, %) ҳисоблаш билан вариацион параметрик ва нопараметрик усуллар қўлланилди, ўртача катталикларни

қийлашда олинган ўлчовларнинг статистик аҳамияти генерал дисперсияларнинг тенглиги (F-Фишер мезони) ва тақсимлашнинг меъерийлиги текширилганда (экссесс мезони бўйича) хатоликлар эҳтимоллигини ҳисоблаш билан (P) Стюдент мезони (t) бўйича ўртача катталиклар аниқланди. Статистик аҳамиятли ўзгаришлар учун $P < 0,05$ ишончлилик даражаси қабул қилинди (Искандаров Т.И., Маматқулов Б.М., 2005.; 2008).


Диссертациянинг «**Эркакларда семизлик ва унинг эпидемиологияси, тарқалганлиги, ёндош патологиялар ва хавф омиллари**» деб номланган учинчи бобда 30 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар орасида семизликнинг тарқалганлиги, семиз эркакларда ёндош касалликлар учраш даражаси ҳамда ортиқча тана вазн ёки семиришнинг хавф омиллари таҳлил қилинди.

Семизликнинг оғирлигини ташхислаш ва баҳолаш учун фойдаланиладиган асосий кўрсаткич, тана оғирлиги индекси – бўй баландлигининг метр квадратини, тана оғирлигига нисбати бўлиб ҳисобланади. Меъёрда у 18,5 дан 25,0 гачани ташкил этади. Семизлик ва ортиқча тана оғирлигини ташхислаш мезони тана оғирлик индексининг 25,0-29,9,0 ва $> 30,0$ га мос ҳолда тенг бўлган кўрсаткичлари ҳисобланади. Овқатланиш статусини баҳолашда аниқландики, асосий гуруҳдаги текширилганлар орасидан 25 нафаридан иккинчи даражали семизлик, 10 нафар беморларда 3 даражали, қолган беморларда эса 1 даражали семизлик белгилари аниқланди, ТООИ $32,2 \pm 1,10$ га тенг бўлди. Сон айланаси $109,8 \pm 0,66$ см; бел айланаси $107,3 \pm 0,89$ см, ёғ массасининг миқдори $89,1 \pm 1,06\%$ га тенг бўлди. Назорат гуруҳидагиларда ортиқча тана оғирлиги ва семизлик аниқланмади. Назорат гуруҳидаги эркаклар кўрсаткичлари билан солиштирилганда, текширилганларнинг жисмоний иш қобилияти пасайган бўлиб чиқди. Қондаги альбумин ва умумий оксил текширилганда унча катта бўлмаган ўзгаришлар аниқланди, бу уларни меъёрга мослигини кўрсатди, азот алмашинув (қондаги мочевина) миқдори ҳам текширилганларда меъёр даражасида бўлди. Тонгги вақтда, наҳорга қондаги глюкоза миқдорини аниқлаш учун олинган намуналарда текширилувчи модда миқдори йўл қўйиладиган даражадан 2-3% га юқори бўлди (II даражали семизликдаги 13 нафар беморларда).

Беморлар орасида семизликнинг тарқалганлик даражасини таҳлил қилганимизда, беморларнинг ҳар учтадан биттасида (36,1%) ортиқча вазн кузатилган бўлса, семизликнинг 1-даражаси 28,3%да, семизликнинг 2-даражаси 22,0% ва семизликнинг 3-даражаси 13,5% беморларда учраган.

Ортиқча вазндаги беморларнинг ҳар бири семириш хавф гуруҳига кириб, агар худди шундай тенденция давом этса, буларда ҳам келажақда семиришнинг у ёки бу тури қайд этилиши мумкин. 30-39 ёш гуруҳидаги беморларда 3-даражадаги семизликка қараганда қарийб 3 баробар, 40-49 ёш гуруҳидаги беморларда 5 баробар кам, 50-59 ёшли беморларда эса атиги ярим баробар камлиги қайд этилган. Бу эса ёши катталашган сари эркакларда семизликнинг 3-даражаси кўп учрашидан далолат беради. Шунини қайд этиш керакки, семизликнинг 3-даражаси 30-39 ёшли беморлар гуруҳида 2,5%

ҳолатда қайд этилгани шу ёш учун хавфлидир, чунки меҳнатга лаёқатли айнан шу ёшда уларда эрта ногиронлик, эрта ўлим каби асоратлар юзага келиши мумкин. 40-49 ёшли беморлар орасида 3,5%, 50-59 ёшлиларда эса 7,6% семиришнинг 3-даражаси қайд этилган. Бундан кўриниб турибдики, семизликнинг 3-даражаси ёш катталашishi билан ортиб борган. Семизликнинг 3-даражасида ёндош патологиялар учрашини таҳлил қилганимизда, айнан шу гуруҳ беморлари орасида қандли диабет, артериал гипертензия, юрак ишемик касаллиги, ўпканинг сурункали обструктив касалликлари, остеохондроз, остеоартроз каби сурункали касалликларнинг оғир формалари устунлик қилди.



1-расм. Беморларнинг ёш гуруҳига кўра тақсимланиши

Беморларда семизликка олиб келувчи хавф омилларни аниқлаш учун уларни далилларга асосланган тиббиётнинг замонавий усулларида бир ходиса-назорат усулидан фойдаландик. Бунинг учун беморларни 2 гуруҳга ажратдик. 1 гуруҳга ортикча вазнга эга бўлган, бироқ ёндош патологиялар бўлмаган 200 та беморлар (назорат гуруҳ), иккинчи гуруҳга семизликнинг 3 даражаси бўлган ҳамда 3 тадан ортик ёндош патологиялари бўлган 200 та беморлар (асосий, ходиса гуруҳ) киритдик. Ретроспектив равишда беморлардан шу ходисага (яъни семизликка) олиб келувчи хавф омилларни ўрганиш учун анкета –сўров усулидан фойдаланилди, анкетага беморларнинг ижтимоий ҳолати, турмуш тарзи, овқатланиши, зарарли одатлари, бошдан кечирган касалликлари ҳамда тиббий ҳамда жисмоний фаолликлари тўғрисидаги саволларни киритилди. Бунинг учун ҳар бир беморга ушбу тадқиқотнинг мақсад ва вазифаси тушунтирилди ҳамда розилик сўралди.

Овқатланиш режими ва характери ҳар қандай касалликнинг келиб чиқиши, унинг кечиши ва оғирлик даражасига бевосита таъсир қилади. Беморларда овқатланиш режими тўғри ташкил қилинмаган. Кунлик режимни тўғри ташкил қилиш, дам олиш, тоза ҳавода сайр, жисмоний машқлар ва спорт турлари билан шуғулланиш кўпгина касалликлар профилактикасида, ҳаттоки уни даволашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шуни инобатга олган ҳолда

тадқиқотга жалб қилинган асосий ва назорат гуруҳидаги шахсларнинг мазкур тадбирларга бўлган муносабатлари ўрганилди.

Таҳлил натижаларига кўра асосий гуруҳда тоза ҳавода сайр қилиш ва жисмоний тарбия билан шуғулланиш давомийлиги 3 соатгача бўлган респондентлар 6.8% ни, 2 соатгача бўлганлар -13.1%, 3 соатгача бўлганлар – 17,7% ни ташкил қилади. Беморларнинг 62,4% жисмоний тарбия билан умуман шуғулланмаслигини таъкидлашган.

Нazorat гуруҳида эса бу кўрсаткич 38,5% ни ташкил қилади. Касаллик профилактикаси мажмуавий дастурига тизимли ёндашув қуйидаги кетма-кет келадиган қадамларни ўз ичига олади (БТСЁК муассасаларида). Ортиқча вазн белгилари билан мурожаат қилган беморлардан тўлиқ анамнез маълумотлари олиниши лозим. Олинган анамнез маълумотлари жадвалга қўйилади ва хавф омиллари белгилаб олиниши лозим. Хавф даражасига кўра беморлар 3 гуруҳга ажратилади: хавфнинг энг кичик даражаси, хавфнинг ўртача даражаси, хавфнинг энг юқори даражаси. Хавфнинг энг кам эҳтимоллик чегараси мавжуд бўлган яхши истиқболли гуруҳ билан касалликнинг бирламчи профилактикаси чора-тадбирлари олиб борилиши шарт. Хавфнинг ўрта эҳтимоллик чегараси мавжуд бўлган диққатни талаб қиладиган гуруҳларда махсус инструментал текширишлар ўтказиш мақсадида тор мутахассисга юборилади. Хавфнинг энг кўп эҳтимоллик чегараси мавжуд бўлган ёмон истиқболли гуруҳларда эса беморни зарур бўлганда госпитализация қилиш, иккиламчи профилактика чораларни амалга ошириш тадбирлари олиб борилади. Хавф омили эҳтимоллик даражаси ортган сари беморларни ёмон истиқболли гуруҳга киритиш хавфи ошиб бораверади.

Шундай қилиб, Республикада 30 ёшдан 60 ёшгача бўлган, семизликдан азият чекувчи эркаклар учун янги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқиш, касалланиш, амалдаги овқатланишни ўрганишга алоқадор бўлган, мақсадга йўналтирилган тадқиқотлар ўтказилмаган. Семизликдан азият чекувчи беморларнинг ҳаёт сифати муҳим масала бўлиб, у пухталиқ билан ўрганишни талаб этади.

Диссертациянинг «**Семизликдан азият чекувчи эркакларни амалдаги овқатланиши ва озуқавий статуси, шунингдек жисмоний фаоллигини ўрганиш**» деб номланган тўртинчи бобида семизликдан азият чекувчи эркакларда анкета сўровнома ўтказилди. Асосий гуруҳидаги рационда гўшт ва гўшт маҳсулотлари, ёғли, тузли маҳсулотлар, кондитер маҳсулотлари, картошка фри ва бошқалар меъёрга нисбатан сезиларли даражада юқори бўлди. Рационларни ҳисоблаш кўрсатдики, гўшт ва гўшт маҳсулотларини ортиқча истеъмол қилиниши қиш – баҳор мавсумида 12,1%, ёз-куз мавсумида эса – 8%ни ташкил этади, назорат гуруҳида эса кўрсатилган маҳсулотларнинг танқислиги 1,3% ва 2,75%ни ташкил этганлиги кузатилади.

Сут маҳсулотлари орасида аниқ танқисликда сут, пишлоқ, бринза ва творог бўлди; ушбу маҳсулотларнинг турлари асосан ўз ичига кефир, қурут (шўр творогдан тайёрланган маҳсулот), қаймоқ, айниқса қиш–баҳор ойларида белгиланган меъёрдан паст бўлиб, танқислик 39,2% дан 45,0%гачани ташкил этган бўлса, ёз-куз мавсумида 29,8 дан 37%гачани ташкил этди, назорат

гуруҳи рационада юқорида келтириб ўтилган маҳсулотлардан қаймоқ, қурут маҳсулотларининг мавжудлиги аниқланмади, аммо барибир сут ва сут маҳсулотларини миқдори меърдан 16,6 ва 22,6%га паст бўлиб чиқди. Балиқ ва балиқ маҳсулотлари ҳам жуда кам истеъмол қилинган. Ўсимлик ёғларининг танқислиги (айниқса пахта ёғи) нисбатан унча катта бўлмади. Баъзи ҳолатларда ҳаттоки келиб чиқиши ҳайвонлардан олинадиган ёғларни меърдан ортиқ бўлиши қайд этилди. Ҳайвон ёғлари истеъмолининг меърдан энг юқори даражада ортиқча бўлиши 2-4 мартани ташкил этди. Ҳайвон ёғлари сифатида сариеғ, қўй ва мол ёғларидан фойдаланилди.

Назорат гуруҳи ва семизликдан азият чекувчи эркакларидан сабзавотлар, полиз маҳсулотлари ва резавор меваларнинг истеъмолида аниқ етишмовчилик (меърдан деярли икки марта кам) аниқланди.

Қиш-баҳор мавсумида асосий гуруҳда шакар ва қандолат маҳсулотлари 23 дан 30%гача, назорат гуруҳида эса 1,4%га меърдан ортиқ бўлди, ёз мавсумида танқислик 1,5%ни ташкил этди.

Тўпланган маълумотларнинг таҳлили кўрсатдики, семизликдан азият чекувчи эркаклар овқатланишидаги энергетик қиймат юқори калорияли маҳсулотлар: тўйинган ёғлар, туз, шакар, шунингдек нон-булочка маҳсулотларини ортиқча истеъмол қилиш сабабли, назорат гуруҳига нисбатан 27%га юқори бўлиб чиқди (2-жадвалга қаранг).

Семизликдан азият чекувчи эркакларни овқатланиш рационининг биологик қийматини ҳисоблаш кўрсатдики, ундаги умумий оқсил миқдори меърдан 1,2 ва 1,4%га юқори бўлди. Назорат гуруҳи учун қиш-баҳор мавсумида оқсиллар танқислиги 4,7%ни, ёз-куз мавсумида эса 2,2%ни ташкил этди. Рационда келиб чиқиши ҳайвонлардан олинадиган ёғлар устунликка эга бўлиб, улар $66,5 \pm 1,3\%$ га тенг бўлди, яъни қиш-баҳор мавсумида меърдан 6,7%га, ёз-куз мавсумида эса меърдан 10,0%га юқори ($62,7 \pm 2,1$) бўлди. Назорат гуруҳида эса меърдан 9,6%га ($51,5 \pm 1,7$) ва 8,2%га ($50,8 \pm 1,2$) паст бўлди. Семизликдан азият чекувчи эркаклардан ташкил топган назорат гуруҳидаги маълумотларни солиштириш бўйича ҳайвон оқсилларини истеъмоли ишончли устунликка эга бўлди ($P > 0,001$).

Истеъмол қилинган овқатлар таҳлилида ёғларнинг нисбий ва мутлоқ миқдори ортишини тавсифловчи, энг салбий силжишлар семизликдан азият чекувчи эркакларда аниқланди. Кунлик озуқавий рациондаги ёғларнинг миқдори физиологик меърлардан 30,8 ва 20,0% га ошди, назорат гуруҳида эса меърдан 3,7 ва 2,2% паст бўлди. Келиб чиқиши ўсимлик ва ҳайвонлардан олинадиган ёғлар истеъмолининг оптимал нисбати бўлиб, кунлик рационда ҳайвон ёғларининг миқдорини 21%дан кам, ўсимликлар ёғлари эса 16%дан ортиқ бўлиши ҳисобланади. Рационда келиб чиқиши ҳайвонлардан олинадиган ёғлар устунликка эга бўлиб, меъёр 21 бўлганда, қиш-баҳор мавсумида унинг миқдори $121,6 \pm 4,2$ (130,8), ёз-куз мавсумида эса $111,6 \pm 4,9$ (120,0) га тенг бўлди. Ҳайвон ёғларини истеъмол қилиш даражаси назорат гуруҳидаги худди шундай кўрсаткичлардан ишончли равишда фарқ қилди ва 1,2 марта юқори бўлди ($P > 0,001$).

Рациондаги ёғларнинг асосий манбаси бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: тез тайёр бўладиган ёғли гўшт маҳсулотлари (ёғли палов, ёғли гўшл маҳсулотлари, ёғли хамирли таомлар, дудланган гўшт ва парранда гўшти, фаст-фудлар; хот-доғлар, гамбургерлар, ҳар куни нонуштада тухум истеъмол қилиш, сутли маҳсулотлардан қаймоқ, сметана ва бошқалар) шулар жумласидандир. Ўзининг калориялилигига қарамасдан фаст-фудлар, гамбургерлар озуқавий моддаларга бой бўлиб ҳисобланмайди, у ўз таркибида катта миқдордаги ёғларни сақлайди ва озуқавий толалар ҳамда В гуруҳи витаминларини жуда оз миқдорда сақлайди. Ортиқча миқдордаги тўйинган ёғ кислоталари холестерин концентрациясини ортишига ва юракнинг коронар касалликларини ривожланишига олиб келади. Шунингдек, озуқавий холестерин қондаги холестерин концентрациясига сезиларли таъсир кўрсатади.

Углеводларнинг сифатли ва миқдорий истеъмоли муаммоси алоҳида эътиборни талаб этади. Қиёсий гуруҳларнинг амалдаги овқатланиш рационалида углеводлар миқдорини семизликдан азият чекувчи эркакларда 32,5 ва 25%, назорат гуруҳида эса 10 ва 3% юқори бўлиши қайд этилди. Назорат гуруҳи кўрсаткичлари билан солиштирилганда, семизликдан азият чекувчи эркакларнинг 58,9%да кўпинча углеводлар истеъмоли устунликка эга бўлди ($P>0,001$).

